
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ФАРҶОНА ШАҲРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЯНГИ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун Фарғона шаҳридаги ўрганишлари жараёнида шаҳарда амалга оширилган янги инвестицион лойиҳалар билан ҳам танишди.

“Бешбола” МФЙ, Истиклол кўчасида “Тантана текстил” МЧЖнинг “Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш” корхонасида Хитойдан мато олиб келиниб, 20 дан ортиқ трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб, хорижга экспорти йўлга қўйилган. Бу жараёнда 100 дан зиёд ишчи-ҳодимлар фаолият олиб бормоқда.

2023 йилда 700 минг долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткични 2 баробарга ошириш режалаштирилган.

Совурбулоқ МФЙдаги “Forest colour” МЧЖ туркиялик мутахассислар билан ҳамкорликда фаолияти йўлга қўйилган корхонада мато тўқув ва бўёқлаш ишлари амалга оширилмоқда. Тайёр маҳсулотлар асосан МДҲ давлатларига етказиб берилмоқда. 2023 йилда 1 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Ҳозирда 300 га яқин иш ўрни яратилган.

Шу маҳаллада тадбиркор Дониёр Тойиржонов ташаббуси билан 2023 йилнинг октябрь ойида 2 гектар майдонда замонавий иссиқхона барпо этилди.

Ҳозирда 1 гектар майдонга 45 минг туп помидор кўчати, 1 гектар майдонга эса 35 минг туп бодринг кўчати экилиб, парвариш қилинмоқда. Бу ишларга 30 нафар ишчи кучи жалб қилинган.

Вилоят раҳбарлари шу куни халқаро стандартларга уйғун шаклдаги янги “Olu Palace” меҳмонхонасининг очилиш тадбирида ҳам иштирок этдилар.

Мазкур меҳмонхона 80 ўринга мўлжалланган ҳамда 36 та номердан иборат. Меҳмонхонада автотурагоҳ, сауна, бассейн, банкетлар зали, конференц-зал ва бошқа қулайликлар мавжуд.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-29 21:22:35